



Ishonch

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

<http://www.ishonch-doveric.uz>

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2012-yil 28-iyun № 78-79 (3116) payshanba

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадри дўстлар!

Сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение вакилларини, муҳтарам фахрийларимизни 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва Интернет асри деб ном олган даврда тараққиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз азиз журналистлар фаолиятини айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият қўламини, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли қўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожига ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоб бўлмоқдамиз.

Бу ҳақда фикр юритганда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт куриши, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодий ва маданий ҳаётимизни охиригача йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожига ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоб бўлмоқдамиз.

Лекин шулар қаторида яна бир масала борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. У ҳам бўлса, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлмиш ҳалқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий оламида шаклланишида, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгаришида, уларнинг мураккаб вақтларда, оғли яшаш руҳида тарбиялашда, бизнинг ривожланишимизга ҳалақат бераётган эски қўлиб ва қарашлардан ҳалос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда — ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай қишга мансуб айни шундай олижаноб фазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миннатдорлик билан таъкидлаб айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга ошираётган кенг қўламли ишларимиз бугунги кунда ўзининг ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг миқдори ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сони 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Хусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлиши Интернет журналистикасига, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишнинг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Утган давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглигини, ўзаро ижодий мусобақа муҳитини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Бунинг мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдидини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмиш тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиши йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун авваламбор уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган фикр ва фикрлар асосида изчил амалга оширилаётган ишлардан, ўйламанки, сизлар яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур концепция негизда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Телерадиоэшиштиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида» ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини сиз, матбуот вакилларининг фаол иштирокида тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган Президент қарори оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айни вақтда барчамизга яхши аёни, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

Албатта, ҳар қандай янгилик, ўзгариш, шу жумладан, ахборот соҳасида ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаётимизни, иқтисодий ҳаётимизни бошқариш тизими, мамлакатимизнинг тараққиёти, унинг ўсиш суръатлари ва самарасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш кундалик оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилишини ҳаммамиз яхши тушунаемиз.

Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситалари ва бу соҳада хизмат қилаётган ходимлар олдига турган энг муҳим вазифаларни баҳолар эканмиз:

Биринчидан, доимо изланиш, қўлга киритилган ютуқларга берилмасдан, уларга махлиб бўлмасдан, мақтанмасдан, кимнидир улуғлаш йўлига ўтмасдан, авваламбор, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва ҳолис акс эттириш талаб қилинади;

Иккинчидан, ҳаммамизга аёни, ўз олдига мақсад қилиб қўйган марраларга эришиш учун журналист ўзини ақмасдан, профессионал билим ва савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устидан тинимсиз ишлаши, меҳнат қилиши, турли синовлардан муносиб ўтиши зарур;

Учинчидан, бундай юксак даражага кўтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойиллик ва жасорат керак, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан;

Тўртинчидан, ўз касбига садоқатли бўлиш, уни севиш, авваламбор, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун журналист бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётини принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир тақлифни сизлар билан ўртоқлашимни жоиз, деб биламан. Матбуот сўзини тасвирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун биринчи навбатда самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб борса, менинг назаримда, айни муддао бўлар эди.

Бунда айниқса таҳлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Бундай муносабат, ўйламанки, журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлашда катта рол ўйнайди. Шу билан бирга, айни шу материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечиш учун жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Айтиш кераки, одатда газета-журналларимизда, телерадиоканалларимизда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилади, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги тўғрисида улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалала панжа орасидан қараш, аввало, шу мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлини ишдан совиштириб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодий ҳаётимизга катта зарар етказиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини кучайтиришни кўзда тутидиган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўзи ишига ҳолисона қўз билан қараб, мавжуд ахволни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибори, айни пайтда масъулият ҳам ортисида хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак марраларни эгаллашга албатта қодирмиз, десам, ўйламанки, сиз, азизларнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамisha қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслақдошларим, деб билишимни изҳор этмоқчиман.

Бугунги хурсандчилик кунда сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қўллаб, барчангизга сизхат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Эътибор ва ғамхўрлик янги изланишларга ундайди

Мамлакатимизда 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди

Президентимиз Ислом Каримов томонидан миллий оммавий ахборот воситалари ривожига қаратилаётган улкан эътибор соҳа ходимларидан янада фаоллик ва изланувчанликни, оғоҳлик ва дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланаётган айни пайтда бу жиҳатлар янада эркин намоён бўлмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур санага бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирга соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар, устоз журналистлар, барча турдаги оммавий ахборот воситаларининг ижодий ва техник ходимлари, ношир ва матбаачилар, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ёш қаламкашлар,

турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари тақдир этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳамюртларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора кучайиб бораётганини таъкидлади.

Демократик талабларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси — Ўзбекистон Республикасининг Конститу-

цияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини эркин ривожлантиришни, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминламоқда. Истиклол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони қарийб тўрт баробар ошди. 1991 йилда оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 та бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1250 тани ташкил этади. Мустақилликка қадар республикадаги мавжуд барча медиа тузилмалар — газета, журнал ва телерадиоканалларнинг муассислари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари эди. Эндилқда юртимизда рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг 60 фоиздан кўпроги нодавлат тузилмалардир.

(Давоми 2-бетда)

Танлов якунланди

Инсонга наф келтириш — олий бахт

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИНИНГ
ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА
“ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ”
РЕСПУБЛИКА АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВИ

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, жаҳон ҳамжамияти томонидан «Ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегиясини амалга ошириш замирида инсон ва унинг манфаатлари ётади. Фуқаролик жамияти институтларидан бири бўлган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ҳам кишиларнинг меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза этиш, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан журналистика соҳасида ўтказилаётган «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика анъанавий танлови ҳам юртимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислохотлар, улкан ўзгариш ва бунёдкорлик ишларини кенг тарғиб қилишга қаратилган. Шунингдек, ушбу танлов мустақиллик йилларида барча соҳада қўлга киритилаётган ютуқларнинг мазмун-моҳияти, давлат дастурларининг ижобий самараларини халқимиз, айниқса, ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилмоқда, десак муболага бўлмайди.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида ҳам бунга алоҳида ургу берилди. Унда мамлакатимизнинг етакчи нашрлари, ахборот агентликлари, телевидение ва радиоканаллари ходимлари, ёш журналистлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)

Инсонга наф келтириш — олий бахт

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева йилгиланларни 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан самимий қўллаб, юртимиз тараққиётини ва фаровонлигини йўлидаги заҳматли меҳнатларида омад тилади. Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан журналистларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, касба уюшмалари ҳам қалам аҳлини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият бераётганини эътироф этди.

Қайд этиш жоиз, мамлакатимизда энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланган касба уюшмалари меҳнат аҳли, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтиришда муносиб иштирок этмоқда. Бунда бошланғич касба уюшма ташкилотлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётган. Истиклол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, турли соҳалардаги муваффақиятлари кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида касба уюшмалари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда илҳом-қўллаб-қувватловчи муҳофизатчилик, ёшлар учун «Маънавият соатлари» тадбирлари ташкил этилмоқда.

Танловга тақдим этилган 80 дан зиёд ижодий ишларда юқоридаги жараёнлар ўз аксини топиш билан бирга, мустақиллик йилларида диёримизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш масалаларининг ёритилишига аҳамият берилди. Бундан ташқари, юртимизда тинчлик ва оқилолликни таъминлаш, ижтимоий, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар-

нинг, аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлиги чуқур таҳлил орқали очиб берилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов шартларига кўра, босма оммавий ахборот воситалари ҳамда электрон оммавий ахборот воситалари йўналишлари бўйича ғолибларга Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари, шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан рағбатлантирувчи мукофотлар топирилди.

— Бугунги кунда мамлакатимиз аҳли касба уюшмалари фаолиятидан алоҳида хабардор. Айниқса, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида тизимда амалга оширилаётган ишлар кенг ёритиб борилаётган, — дейди Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информაციон дастурлар бош муҳарририяти мухбир-репортёри Барчиной Жўраева. — Бу, шубҳасиз, касба уюшмалари ва ОАВнинг яқин ҳамкорлиги самарасидир. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» таловида 1-ўринга муносиб қўришганидан мамнунман. Ушбу эътибор юртимиздаги янгилаш ишлари аҳолига теъозор ва сифатли етказишда масъулиятни янада кучайтиришга ундайди.

— Юртимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятига жиддий аҳамият берилди. Жумладан, вилоятимизда ҳам соҳа жонқуярларига эътибор ўзгача, — дейди «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари фотомухбири Азаматжон Тошматов. —



Кейинги йилларда касба уюшмалари фаолиятидаги ўзгаришлар барчанинг диққатини тортмоқда. Бу меҳнаткашлар манфаатини йўлидаги саъй-ҳаракатлар самараси экани ҳаммамизни мамнун этади. Кўрииб турибдики, бундай савобли ишларни аҳолига етказмаслик мумкин эмас. Камтарин меҳнатимиз кадрларини, совриндор бўлганимдан жуда хурсандман.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишлардан кенг жамоатчилик, халқро ҳамжамиятини хабардор қилишга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари муносиб тақдирланди.

Ўз мухбиримиз. Фозил МАМАШАРИПОВ олган суратлар

ҚУТЛОВ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин муносабати билан ўтказилаётган нуфузли танловлар ғолиблари орасида тахририятимиз аъзоларининг ҳам борлиги барчамизни бирдек қувонтирди.

Ифтихор

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2011» танлови ғолиблари ичида «Мамлакат таълим тизимида кўлга киритилган салмоқли ютуқлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари, ёш авлодини Ватанга муҳаббат, миллий ва умминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган материаллари учун» номинациясида газеталаримизнинг Хоразм вилояти бўйича мухбири Муҳаббат Тўрабоева тақдирланди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан эълон қилинган «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танловининг Босма оммавий ахборот воситалари йўналишида эса тахририятнинг «Касба уюшмалари ҳаёти» бўлими муҳаррири Акмал Тошев иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Ушбу нуфузли мукофотлар ғолибларини қўтлаган ҳолда кейинги ишларида бундан ҳам катта ютуқлар тилаймиз!

Тахририят

2012 йил — МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

Меҳнатнинг таги роҳат

Андижон туманидаги Қўнжи қишлоғида яшовчи тадбиркор Маҳбубахон ва Раҳимжон Эрматовлар оиласи 20 йилдан бундан лимон етиштириш билан шуғулланиб келмоқда. 6 сотих майдонни эгаллаган иссиқхоналарда экилган 60 туп дарахтнинг ҳар бири мавсумда 100-120 килограмдан ҳосил беради. Оила ҳар йили мева ва кўчатларни сотишдан 25 миллион сўм даромад олмақда.



Бундай яхши ҳосилни Эрматовлар оиласи катта меҳнат ва маҳорат эвазига кўлга киритади. Чунки бу субтропик дарахт жуда нозик, совуққа ва ҳароратнинг кескин ўзгаришларига чидамсиз бўлиб, намликни хуш кўради. Бу аҳил оилада барча бир ёқадан беш чикариб меҳнат қилади. Икки ўғил ва

келинлар, набиралар Маҳбуба опа ва Раҳимжон акага ёрдамчи. Илгари қурувчи бўлиб ишлаган оила бошлиғи Раҳимжон ака, зарурат туғилса, хўжаликда пайвандчи, сантехник ёки дурадгор вазифини ҳам бажараверади. Собиқ бошланғич синф ўқитувчиси Маҳбубахон опага эса ҳаммасидан ҳам кўпроқ селекция иш-

лари ёқади. Уларнинг иссиқхонасида ўсаётган бир дарахтнинг мўъжиза, дея таърифлаш мумкин. Негаки, у пайванд қилингандан кейин бир шохидан лимон, бошқасида мандарин, учинчисида апелсин, тўртинчисида эса грейпфрут пишмоқда. Фаргона водийси аҳли азалдан соҳибқорлиғи, мева ва сабзавотларнинг

янги серхосил навларини яратиши билан донг таратган. Табиат ҳам уларга муносиб жавоб қайтариб, деҳқонни бой, дастурхонларни эса тўкин қилаверади.

Суратда: Эрматовларнинг аҳил оиласи. Рустам ШАҒАЕВ (ЎЗА) олган сурат

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика анъанавий танлови ғолиблари

БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:

- 1-ўрин — Нафиса АБДУХОЛИҚОВА, «Правда Востока» газетаси мухбири.
2-ўрин — Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти бўлим муҳаррири.
3-ўрин — Азаматжон ТОШМАТОВ, «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари фотомухбири.

3-ўрин — Севара ЎРИНБОЕВА, НТТ телеканали мухбири.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР:

ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:

- 1-ўрин — Барчиной ЖЎРАЕВА, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информაციон дастурлар бош муҳарририяти мухбир-репортёри.
2-ўрин — Мирзобек МУРОТОВ, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Янгиликлар» бўлими катта муҳаррири.

Эътибор ва ғамхўрлик янги изланишларга ундайди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Соҳага кўрсатилаётган ғамхўрлик самарасида телерадиоканаллар фаолиятига замонавий рақамли ахборот технологиялари жорий этилмоқда. Кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юртимизда интернет журналистиксининг жадал раванг топаётгани фуқароларнинг теъозор ахборотларга бўлган талаб ва эҳтиёжини таъминлашда, мамлакатимиз ҳаётига оид янгилик ва воқеалардан жаҳон жамоатчилигини ўз вақтида хабардор этишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий журналистикани замонавий асосда раванг топтириш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш ишлари, телерадиозинтиришларга оид миллий қонунчилигимиз давр талабларига уйғун тарзда такомиллаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори барча медиа тузилмалар, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан жамоат назоратини ўрнатилганда янги имкониятлар очмоқда.

Соҳа раванги йўлида улкан имконият ва қўлайликларнинг яратилиши, ушбу машаққатли ва шарафли касб эгалари меҳнатининг доимий ёъозланиб, рағбатлантирилиши ижодкорлардан фоллик ва қатъиятнинг, ўз фаолиятига ҳаққоний, чуқур таҳлили асосда ёндашишни, жамият, халқ, Ватан манфаатларининг том маънодаги ҳимоя-

чиси бўлишни талаб этмоқда. Айни пайтда мустақиллигимизни, юртимиздаги барқарор ва осуда ҳаётни, турли миллат ва элатлар ўртасидаги аҳиллик, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини кўз қорчиғидек асраб-авайлаш, жамият пойдевори бўлмиш оилаларнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, ёшларни миллий ҳаёт тарзимиз, маънавиятимизга ёт зарарли ғоялар, ноҳолис ахборотлар хуружи, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш вазифалари журналистлар олдига доимо маънавий уйғоқ бўлиб, жамият олдидиги масъулиятни янада теран англашдек улғувор талабларни қўймоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили соҳа ходимларининг касб байрами арафасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови соҳада фидокорона меҳнат қилаётган, фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жаҳаларида кечаётган ислохотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи ҳамкасбларимизни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги ғолиб ва совриндорлари эълон қилиниб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топирилди. Сўзга чиққанлар журналистлар меҳнатини ёъозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги ижодий марралар сари руҳлантириш йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик изхор этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни оммалаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга катта ҳисса қўшаётган журналистлар тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Арипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

МАЪНАВИЯТ СОАТЛАРИДА

Одатда бирор-бир янгиликни эшитганда ёки ақл бовар қилмас мўъжизаларга дуч келганда ҳайратланимиз, кўнглимизда эса «ажаб!» деган ҳайқирик акс-садо беради. Бугунги дориларимизда бундай ҳайрат, ҳис-ҳаяжонни деярли ҳар дам, ҳар лаҳзада юрагимиздан ўтказамиз. Истиклол эпкининдан кундан-кун чирой оцаётган юртимиз, унда рўй бераётган бунёдкорлигу яратувчанликка нигоҳ ташлаб, қалбимизда жўш ураётган туйғуллар вулқонини тўхтаганининг иложи йўқ. Бу ҳолат ижод аҳлида ўзгача бўлади. Ижодкор борки, кўрган-кечирганини кимгадир тўқиб-солишни, ўз ҳаяжонига яна кимнидир ошно тутишни хоҳлайди. Биз бежизга бу хусусда тўхташмаймиз, бунинг сабаби бор.

Китоблар оламига саёҳат

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилаётган «Маънавият соатлари» доирасида ҳамда 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонага ташриф бурди. Мухтамам бинога кирар эканмиз, унинг ички пештоқиға зарҳал ҳарфлар билан битилган Юртов-шимизнинг «Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда, юксак маърифати ва маънавияти билан кучли лидер» деган сўзларини яна бир бор шууримизга жойладик.

— Кутубхонамиз ташкил топганига 142 йил бўлди, — дейди бизга ҳамроҳлик қилаётган Ахборот-кутубхона маркази раҳбари Умида Тешабоева. — 1870 йили кутубхона фондида 1200 номда 2200 та китоб бўлган. Боз устига ўша пайтда бу китоблар

фақат минг йил аввал ёзилган «Мовардин» асари ҳамда Навоийнинг ҳаётлик даврида кўчирилган уч асари сақланган экан. Шунингдек, 10 та нодир асарнинг асл нусхаси ҳам музейдан жой эгаллашган бўлиб, бу китоблар таъсирини ҳали қўллаб ёшлар излашни ният қилди.

Орти ярим миллион... Кутубхона билан танишар эканмиз, бу рақам остида не-не олим фузаларга, толиб илмларга пойдевор бўлган ақил манбаи борлиғига амин бўлдик. Айни пайтда бу жаҳоиротлар бағрида дунёнинг 75 тилида, ҳатто Африкадаги кичик бир қабилла қабонда ҳам битилган асарлар жой олганини ифодаламоқ жоиз.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» ва «Ishonch-До-

верие» газеталарининг Навоий вилояти мухбири:

— Инсон қанча кўп китоб ўқиса, унинг маънавий дунёси ҳам шунчалик бойиб боради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур кутубхона юртимиз аҳолисининг маънавий-маърифий эҳтиёжини қоплаш, фарзандларимизни етук салоҳиятли қилиб тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан бир нишондир. Айниқса, кутубхонада янги ташкил этилган Китоб музейи менда катта таассурот қолдирди. Бу

Китобларнинг электрон вариантлари, кўзи оқизлар учун брайл ёзувиға мослаштирилган компютерлар, шунингдек, ёш оналарнинг болалари учун махсус хоналар ҳам мавжуд. Китобсеварлар учун яратилган бундай шарт-шароитдан жуда руҳландим.

Ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашни асносида кутубхонага эндиғина аъзо бўлаётган ёшлар билан танишидик. Уларнинг нигоҳида ўқиб-ўрганишга интилиш, берилган имкониятдан унумли фойдалан-

ниш ҳисси балкиб турарди. — Кимё-технологиялари институти қошидаги лицейда таълим олам, — дейди ўзини Умаржон Уктамов деб таништирган ўсмир. — Насиб этса, Шарқшунослик институтида таҳсилни давом эттирмоқчиман. Ўз билимимни янада бойитиш, керакли адабиётларни ўрганиш мақсадида кутубхонага аъзо бўлишман. Бундан кейин 3 йил мобайнида кутубхонадан фойдаланиш ҳуқуқиға эгаман.

Саёҳатимиз якунида ҳамроҳимиз Умида опа бизни дунё харитаси акс этган электрон глобус томон бошлади.

— Мазкур глобус кутубхонамиздаги энг катта янгиликлардан бири. Бу орқали хоҳлаган ҳудуднинг харитасини кўришини мумкин.

Мухтамам кутубхонага қилган ташрифимиз гўё бир зумда ўтгандек бўлди. Бироқ таассуротларимизнинг чеки йўқ эди. Яхшиши, сиз ҳам келинг, бунга ўзиниғиз амин бўласиз. Ғўзал НОРҚАЕВА, «Ishonch» мухбири

КОРХОНА — КОЛЛЕЖ ҲАМКОРЛИГИ

Битирувчига иш ўрни тайин

Наманган вилоятида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини фойдали меҳнатга жалб этиш борасида кенг қўллаш ташаббуслар қанот ёмоқда.

Вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги Ахборот-таҳлил марказидан олинган маълумотга қўра, ҳудудда жорий йилнинг айни пайтига қадар ўн саккиз мингта яқин янги иш ўрни яратилиб, шундан 14760 таси қишлоқ ва маҳаллаларда ташкил этилди. Иш жойларининг 40,9 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига тўғри келади. Уларга ёшлар, айниқса, коллеж битирувчиларини жалб этишга асосий эътибор қаратилаётир.

Учқўрғон туманидаги иқтисодий коллеж вилоятнинг нуфузли ўқув масканларидан саналади. Мазкур таълим муассасаси ўқувчилари ҳар йили турли беллашув ва фан олимпиадаларида муттасил ғолиб бўлиб, ўз иқтидори ва салоҳиятини намойиш этиб келмоқда. Хусусан, 2011 — 2012 ўқув йилида ўтказилган фан олимпиадаларининг туман босқичида иштирок этган 58 нафар коллеж ўқувчисидан 35 нафарига ғолиблик насиб этди. Улардан бири — Хусниддин Валиев республика босқичида фахрлий ўринни эгаллаб, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетларида таҳсил олиш имкониятини қўлга киритди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, коллеж ўқувчиларини келгусида иш билан таъминлашга ҳам алоҳида маъсулият билан ёндашилаётир.

«Корхона-коллеж» ҳамкорлиги бу борада ижобий натижа бермоқда. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, етарли шароит яратиш бериш мақсадида 71 та ташкилот, корхона, ҳўжа-лик субъектлари билан шериқлик келишуви имзоланган. Жорий йилда коллежни 454 нафар ёш битирди. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида 217 та ҳўжалик субъект билан уч томонлама шартнома тузилган.

— Ҳудуддаги турли ташкилот, хусусий фирмалар, тадбиркорларнинг коллежларга бириктирилиши, улар билан шартнома тузилиши ҳисобига битирувчилар кафолатли иш ўрнига эга бўлмоқда, — дейди коллеж директори Сардорбек Турсунов.

Яна бир гап. Ўтган йили коллежнинг моддий-техник базасини яратиш, ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш

мақсадида коллеж қошида «Учқўрғон таълим сервис» шўъба корхонаси ташкил этилди. Корхона 12 йўналишда фаолият олиб боради. Эндликда коллеж ўқувчилари таълим олаётган мутахассисликларидан ташқари тикувчилик, пазандалик, қандолатчилик, компьютер хизмати кўрсатиш каби йўналишларда қўшимча хўнар эгаллаб, парандачилик, чорвачилик, куёнчилик, иссиқхона ташкил этиш бўйича йўл-йўриқлар олишмоқда.

Дарвоқе, Меҳринисо Тўхта-синова коллежда ўрганган тажрибаси асосида қандолатчилик цехи очиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

— Юртимизда ёшларнинг таълим олиши, севган касби билан шуғулланиши учун барча шароит муҳайё, — дейди ёш тадбиркор. — Ўтган йили «корхона-коллеж» ҳамкорлиги асосида шартнома имзолаб, туманимиздаги қандолатчилик цехи

«Учқўрғон таълим сервис» шўъба корхонасида хўнар эгалладим. Менда турли ширинликлар пишириб, халқимиз дастурхонига тортиқ этиш истаги туғилди. Устозларим кўмағида тузган бизнес-режам маълумотида ҳамда «Qishloqurilishbank» ОАТБ туман филиалидан 20 миллион сўм кредит олишга муваффақ бўлдим. Мана, икки йилдирки, тадбиркор сифатида арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, маҳалладошларимга тортиқ қилаётиман.

Бу йил коллежнинг яна 7 нафар ўқувчиси банкдан кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида. Бу ёшлар тикувчилик, сарта-рошлик, пазандалик каби йўналишларда ўз қобилиятини синаб кўришга аҳд қилишган. Яна 12 нафар битирувчи «Учқўрғон-Дон маҳсулотлари» ОТХЖда, 4 нафари «Навораш» савдо-сервис маъсулияти чекланган жамиятида, 2 нафари мутахассислиги бўйича «Qishloqurilishbank» туман филиалида меҳнат фаолиятини бошлади.

Сирасини айтганда, бугунги навқирон авлод юртимизнинг эртанги эгаларидир. Уларга яратилаётган имкониятлар, кун келиб, албатта, ўз мева-сини беради.

Г. НОРЧАЕВА

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Офтоб бор ҳароратини ер юзига пурак турган кунларда табиатнинг сўлим кучида дам олишнинг ўзига хос гаши бор. Айниқса, болалик давлари инсон бир умр ёдга олиб юради. Касаба уюшмаларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ ҳудудларда оромгоҳлар самарали фаолият кўрсатмоқда. Нафақат шаҳардан ташқаридаги, балки кундузги оромгоҳлардаги қизгин жараён ҳар бир кишининг кўнгилни завққа тўлдиради. Бу ерлардаги болажонларнинг хуш кайфияти, беғуборлиги сизга ҳам кўчгандек бўлади.

Касаба уюшма ҳисобидан

Тўрақўрғон туманидаги 48-максус мактаб-интернат ҳудудида ташкил этилган «Ором» кундузги болалар оромгоҳи ҳам шундай масканлардан. Мазкур оромгоҳнинг касаба уюшма маблағи ҳисобидан ташкил этилганлиги, айниқса, диққатга сазовор. Ҳар бир болажоннинг кўнгли оватланишига 4300 сўмдан ошқ маблағ йўналтирилмоқда.

— Ҳудудлардаги таълим масканларининг ўқувчиларини жалб этган ҳолда иш бошланди, — дейди биз билан суҳбатда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тўрақўрғон туман кенгаши раиси Қошқор Мирзааҳмедов. — 110 нафар болажоннинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда турли тўрақлар фаолиятини йўлга қўйдик. Оромгоҳ директори Гулмира Каримова ҳамда мактаб-интернат касаба уюшма кўмитаси раиси Ғанижон Хошимов билан ҳамкорликда турли кўрик-танловлар уюштириб, ўғил-қизларимизга совғалар улашмоқдамиз. Бу уларни кўпроқ ўқиш, изланишга рағбатлантирмоқда.

Дарҳақиқат, биз оромгоҳга ташриф буюрган кунимиз ҳам «Рақс» қанотида» номли мусобақа уюштирилган экан. Санъатга ошфат кўнглилар навбатима-навбат истеъдодларини намойиш этишмоқда. Ўғил болаларнинг «полка-сига қарсақ чашиб турган томошбинлар, қизалоқларнинг «Лазги»-сига келганда қўшилиб рақсга ҳам тушишди. Танлов якунланиб, ғолиблар аниқланди, тўхфалар улашилди.

— Ҳар бир дам олиш кунимиз шундай қизиқарли кечади, — дейди танловнинг мутлақ ғолибасига айланган Мухтасархон Маъруфжонов. — Бу ердалигимдан жуда хурсандман, биз учун шундай яхши шароит яратиш берган барча устозларимизга раҳмат дейимиз.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

«Янги авлод» болалари



Бўстонлик туманининг Қоранқул қишлоғи ёнида жойлашган, Тошкент минтақавий темирйўл узелига қарашли «Янги авлод» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 2007 йил ташкил толган бўлиб, унга Абдор Тўрабоев раҳбарлик қилиб келади. 200 ўринга мўлжалланган ушбу сўлим маскан хусну тароватидан дил ярайди. Бу ерда 65 ходим фаолият юритади.

Оромгоҳда ҳар йили темирйўлчиларнинг 800 нафар фарзанди ҳордиқ чиқаради. «Янги авлод» болалар оромгоҳи 4 босқичда, 8 гуруҳдан иборат бўлиб, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болажонларнинг сеvimли даргоҳига айланиб улгурган. Бу ерда расм чизиб, спорт, бисер тўрақлари, Маънавият ва маърифат хонаси бўлиб, кутубхонада 2000 дан ортиқ рус ва ўзбек тилларидаги китоблар дам олувчилар ихтиёрида.

— Темирйўл болалар шифохонасидан жалб этилган малакали шифокорларнинг фаолият олиб бориши ўқувчиларнинг таълим кўнгиладигидек ўтказишини таъминлайди, — дейди Абдор Тўрабоев. — Дам олувчилар учун концерт, театр ва цирк томошалари уюштирилади. Спорт мусобақалари, турли қизиқарли танловлар ўтказиш аънаъанга айланган.

— «Янги авлод» кетма-кет икки йил «Энг яхши оромгоҳ» деб эътироф этилди, — дейди Тошкент минтақавий темирйўл узели касаба уюшмаси ҳудудий кўмитасининг раиси Уринбосари Алие Имадинова. — Китоблар, спорт анжумлари, турли миллат вакиллари-нинг миллий либосларини тиктириб бериш ҳам бизнинг зиммамизда. Бу эса концерт дастурларини тайёрлашда қўл келади.

Мавсум сўнгиди жонбозлик кўрсатиб ишлаган ҳар бир ишчи-ҳодим эътибордан четда қолмай, эсдалик совғалари билан тақдирланади. — Олти йилдан бери «Янги авлод»га келиб дам оламан, — дейди Тошкент шаҳридаги 233-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Камола Матиева. — Ҳар йили турли танловларда иштирок этман.

— Бу ерда зеркишга вақт йўқ, — дейди

146-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Муниса Мирхонова. — Турли танловлар ўтказилади. Биринчи иккинчисини тақдорламайди.

— Узим Тошкент шаҳар «Камолот»да ишлайман, 6 йилдан бери «Янги авлод»да катта етакчи бўлиб фаолият кўрсатаман, — дейди Андрей Гавриленко. — Болалар билан ишлашни яхши кўраман.

— Низомий номидига Тошкент Давлат педагогика университетининг бошланғич таълим факультетини битирганман, — дейди Наталья Жидкова. — Шароит чиндан ҳам хавас қилгиллик даражада яхши. Китоблардан ташқари бу ерда болалар учун мўлжалланган мулфилмлар ва бадий филмлар бор. Уларнинг ҳаммаси ўғил-қизларнинг кўнгиладигидек ҳордиқ чиқариши учун хизмат қилади.

Мана ниҳоят, биринчи босқичга келган болалар оромгоҳ билан хайрлашади. Олдинда яна қанча болажон шундай ажойиб гўшада дам олиш иштиғи билан яшамоқда. «Янги авлод» эса уларни бирдай қўшамдалик билан қарши олади. Чунки бу ерда болаларни жон-дилидан яхши кўрадиган мураббийлар фаолият кўрсатади.

Назира БОЙМУРОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

«МУСТАҲҚАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА

Жамият ривожига ҳар бир соҳанинг ўз ўрни бор. Аммо касаба уюшмаси сингари кенг қамровли, масъулиятли, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини ҳимояловчи, инсонларга наф келтириб, ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга ҳисса қўшувчи тизим қамдан-кам топилса керак. Бошланғич ташкилотларда етакчилик қилиш насиб этган киши борки, унинг иш қуни, аввало, одамлар ижтимоий ҳимояси, меҳнат қонунлари ва меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши, ишлаб чиқариш корхоналарида ташаббускорликни ошириш масалаларини ҳал этиш билан бошланади...

Асакалик Мирзақул Маҳмудов фермер даласида механизаторлик қилиб кам бўлмади: оиласига оғирлик туширмай ўзи жамғарган даромаддан уйланди, қолганига уч-тўрт бош мол сотиб олди. Лекин анчадан бунён кўрмаган синфдоши Маҳмудий учратди-ю, унинг гапларидан сўнг кўнгли ишдан совиди. Ота-онанинг «ҳай-ҳай»лашига қарамай, молларини сотиб, ўзга юртга мўмай даромад топиш илинжида жўнаб кетди. Кўзланган манзилига етиб боргачина алданганини англади.

Эл корига яраш бахти

Икки йил ўтиб, қанча сарсон-саргардонликлардан кейин амаллаб қайтиб келса, отаси оламдан ўтган, аёли оғир дардага чалиниб анчадан бери шифохонада ётган экан. Нима қиларини билмай боши қотди.

Фермер ҳўжалиги даласига боришга юзи чидамади. Бекорчи бўлгач, ўз оиладагиларига ҳам ёқмай қоларкан, киши. Утирса «ўпоқ», турса «сўпоқ» дейишди.

Бир кун ишдаги гап-сўзларга чидаммай кўчага чиқиб кетди. Каерга бораётганини ҳам билмасди.

— Асалому алайкум, йигит, кўринмай кетдингиз, — деган сўздан хушёр тортиди. Қараса, Агрорасоат мажмуи ходимлар касаба уюшмаси туман кенгаши идорасининг олдида турибди.

Дарров таниди. Салом берган киши шу идоранинг раҳбари Хидоятгулла Аҳмедов эди. Бир вақтлар бу инсон унда яхши таассурот қолдирган бўлиб, қолаверса, механизаторлар ўртасида ўтадиган тадбирларда кўп бор кўрган. Ҳатто бир гал чигит экиш мавсумида илғорлар сафидида унинг номи тилга олиниб, касаба уюшмаси ҳисобидан каттагина гилам билан мукофотлангани ҳам.

— «Шаф-шаф» деган билан шафтоли пишавермас экан, — деди Мирзақул Хидоятгулла акага. — Ўзга юртинг хою-ҳавасига учиб фақат оиладагиларин олдида эмас, маҳаллада ҳам юзим шувди. Ишимни йўқотдим, маҳалланинг тўй-ҳашамларига қатнашолмайман, бунинг устига уй-жой муаммоси... Хуллас, энди бу ёғи қандай бўларкин, ҳайронман.

Раис уни обдон тинглаб, «юринг, бир жойга борами», дея қўлтигидан олиб йўл бошлади. Йўл-йўлакай бир хонадонга киришди. Пешвоз чиққан уй эгаси уларни ичкарига бошлади. Дўппидеккина келадиган ҳовлидаги 2 та иссиқхонада помидор, бодринг ва бошқа маҳсулотлар пишиб ётарди.

— Бу фойдага қолгани, — деди хонадон соҳиби Раҳимжон. — Тўрт ярим сотихдан олти миллион сўмлик маҳсулот сотдик. Пулга чакса бу ёғи ҳам анчагина бўлса керак. Асосий иш жойимдан олаётган маош билан қўшиб ҳисоблаганда, уч ой оралиғида саккиз миллион сўмлик даромад қилибмиз. Холбуки, Россияда бир ярим йил ишлаб, бу пулнинг учдан бирини ҳам тополмагандим...

Касаба уюшмаси сардори бу ердан чиққач, Мирзақулни тўғри ўзи ишлаган фермер ҳўжалигига бошлади. Мулкдорнинг очик юз билан қўшиб олиб, собиқ ишчисига илтифот кўрсатгани шу-ридаги хижолатни тўзғитиб юборди. Ниҳоят, яна қадрдон жойига қайтиди, ишли бўлди. Насиб қилса, уйда ҳам иссиқхона қуришни дилига тугиб қўйди.

«Фахр-ифтихор тўйи», шунча даромадли бўлдим», дея сўзлаган Раҳимжон ҳам аслида қўнналиб юрган пайтлари касаба уюшмасининг кўмағида саноат корхонасига ишга жойлаштирилган. Унга иссиқхона қуриш, ҳатто қаердан уруғ олиб нима екишгача маслаҳат берилди. Галнинг рости, Асакада бу ташкилотдан маслаҳат сўраб, турмуш шароитини ўнглаб олган хонадонлар жуда кўп.

«Мустаҳқам оила йили» Давлат дастури касаба уюшмаларини олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди: жисмонан соғлом, маънавий етук ҳамда ҳар томонлама ривожланган баркамол авлоднинг тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, соғлом, мустаҳқам оилани шакллантириш сингари масалалар шулар сирасида.

Оилани мустаҳқамлаш йўли билан жамиятимиз барқарорлигини янада қучайтиришга қаратилган мазкур ҳаётбахш дастур Агрорасоат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Асака тумани кенгашидаги мутасаддиларнинг ҳам мақсадга эришиш йўлидаги дастуруламалига айланди.

Айни пайтда кенгашининг иш услуби қайта қўриб чиқилиб, давр талабларига мослаштирилди. Ҳозир бу ердаги 15 та пунктда вакиллар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар таркибида 44 та бошланғич ташкилотга бирлашган 19 минг нафар аъзо бор. Дастур доирасида ишлаб чиқилган режага қўра, жойлардаги вакиллар меҳнатни ташкил этиш билан бирга, ўз ҳудудларидаги кам таъминланган, кўп болали оилалар, вақтинчалик ишсиз макомини олган ва салбий иллат тўғрисида рўйхатда турувчи оилалар аниқланди.

Шундан сўнг, иш берувчи, ёлланма ишчи, маҳалла фуқаролар йигинларини раислари ва касаба уюшмасининг масалаларга очим топишдаги ваколати ҳамда вазифаларидан келиб чиқиб, тўрт томонлама шартнома шакллантирилди. У кенгаш аъзолари, иш берувчилар, ишловчи маҳалла маҳалла раислари ўртасида атрофчи муҳокама этилиб, қўшимчалар киритилди. Эндликда ушбу ҳужжат тўғрисида кўпга ижтимоий масалалар ўз ечимини топомқда. Йилнинг ўтган ойлариде қишлоқ ҳўжалиги, тасарруфдаги қурилиш ва саноат корхоналарида 1700 нафар кишига қўшимча янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада ишбилармонлар ва оқсоқоллар кўмағида маҳсулотни қайта ишлаш, истеъмол моллари тайёрлашга мўлжалланган кичик цехлар қурилиб, бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Бу жойлар-

да ҳам яқин орада 800 нафар ёшнинг иш билан таъминланиши мўлжалланяпти.

Айтганча, тўрт томонлама тузилган шартнома-нинг афзаллиги ҳақида икки оғиз сўз: у келишув ва ҳамкорлик асосида шундай тузилганки, маҳалла оқсоқоли иш берувчига ишчи кучи етказиб беради. Мулкдор ёки корхона раҳбари, тадбиркор бўлсин, энг аввало ишчини қайта ихтисослаштириб, доимий маош билан таъминлаш билан бир қаторда, йилда бир марта бажарган юмушга қараб коммунал тўловларига маблағ ажратади, маҳалланинг ободонлаштириш ишларига йиллик даромадидан маълум қисминин ажратади. Бундан ташқари, ишловчига меҳнат стажи ҳам кафолатланган. Буларни тартибга солиш, меъёрий ҳужжатларни юритишда, мабодо, томонлар мажбуриятини бажармаган тақдирда касаба уюшмаси аралашуви билан меҳнат қонунлари бўйича масала ҳал қилинади. Ишловчиларни санаторийларда дам олдириш, байрам ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш шартномада акс этган. Ишлаб чиқаришда турли ташкилотлар томонидан ноқонуний аралашувлар бўлса, ҳар қандай масала касаба уюшмаси орқали ҳал этилади.

Асосий масалалардан бири — оилалар мустаҳкамлиги доимо диққат-эътиборда. Оила мустаҳкамлиги ва фаровонлигига қаратилган ишларни янада кенгайтириш учун маҳалла фаоллари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга киришди. Шу масала юзасидан туман ҳокимлиги билан келишилди, алоҳида йўриқнома ишлаб чиқилди. Унда ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, ўсиб келаётган фарзандларнинг бўш вақтларини мазмуни ташкил қилиш учун ҳудудларда, барча маҳаллаларда спорт майдончаларини қуриш, эҳтиёжман ва янги турмуш қурган оилаларга ер участкаси ажратиш ҳамда бошқа ижтимоий йўналишдаги масалалар киритилди. Ишнинг боришини таҳлил этиш мақсадида ҳар ойда бир марта маҳалла оқсоқоллари, масалага дахлдор масъул кишилар иштирокида касаба уюшмаси идорасида йиғилиш ўтказилиб, бажарилган юмушлар ҳисоботи қўриб чиқилмоқда.

Бу ташаббус қутилган самарани бериб, эндиликда вилоятнинг бошқа туманларида ҳам қўлланилмоқда. Шу қўнғача туман ҳокимлигининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаши натижасида, ҳудуднинг бешта маҳалласида ҳашар йўли, ишбилармонларнинг ҳомийлигида болалар учун спорт майдончалари қурилди. Зарур анжумлар харид қилинди. Шундай кўркам спорт майдонларини бошқа маҳаллаларда ҳам ташкил этиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ота-оналар ҳамда тадбиркорларни ҳам ташаббус кўрсатишга ундамоқда. Бундан ташқари, тумандаги 41 та ёш оила ҳамда ер участкасига муҳтож хонадонларнинг талаби қондирилди.

Оилаларда тотувлиқни таъминлаш ва соғлом муҳитни барпо қилишда тармоқ касаба уюшмаси етакчисининг мана бу тақлифи ҳам тумандагиларга маълум тушди: йил бошидан вилоятдаги олий ўқув юртинларнинг олимлари, суд, прокуратура ҳамда ички ишлар идоралари ходимлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиб, ойда икки марта маҳаллаларда турли мавзуларга бағишланган тадбирларни ўтказиш аънаъанга айланди. Бу фуқароларнинг ҳам ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга, ҳам оила барқарорлигини таъминлашга ёрдам бераётди.

Кейинги уч йилда тармоқ касаба уюшмаси сардори бошлаган ташаббус тўғрисида фермер ҳўжалиқларида замонавий дала шийнонлари қурилди. Ишловчиларнинг мазмуни дам олиши учун барча шароит мажбуд.

Меҳнат унвумдорлигини ошириш ва маданий-маърифий ишларни янада кенгайтириш мақсадида ҳар йили «Менинг дала шийноним» кўриктанлови ўтказилиб, ғолиб фермерлар касаба уюшмасининг соврини билан тақдирланяпти. Ёки аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавиятини юксалтириш мақсадида икки йил аввал кутубхоналар қуриш тақлифи ўртага ташланганди. Келажакни ўйлаган тадбиркорлар сардорни қўллашди. Ҳозир Асакадаги деярли ҳар икки қишлоқда битта замонавий кутубхона мавжуд.

Шунингдек, ёшларни чиниқтириш мақсадида янги қурилган спорт майдонларида мураббийлар топиш ҳам муаммо бўлмади: туман ички ишлар бўлими раҳбарияти билан ҳамкорликда маҳалла профилактика инспекторлари ва истеъфодаги ходимлар жалб қилинди. Ёш авлоднинг спорт билан шуғулланишида уларнинг тажрибаси, устозлик маҳорати асқотмоқда.


Кези келганда таъкидлаш жоизки, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Асака тумани кенгашини водийлик касаба уюшма фаоллари кўпинча «методик марказ»га қўйлашади. Айтишларича, ишловчиларга етарлики шароит яратиш, меҳнат унвумдорлигини ошириш, меҳнат-қўра фарзандларини соғломлаштириш ва меҳнат муҳофазаси, шунингдек, бошқа ижтимоий масалалардаги ҳар қандай тажриба, ташаббуслар аввал шу ерда синновдан ўтиб, сўнг водий вилоятларига қанот ёзаркан.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
журналист

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши

*Фидойи журналистлар,
заҳматқаш қалам аҳлини
Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари кунини
билан қутлайди!*

*Қайноқ ижод, туганмас илҳом
тилайди. Беҳдор юрагингиздан
тўкилган сўзлар юрт
равнақига, халқ фаровонлигига,
Ватан тараққиётига
хизмат қилаверсин!*



ИПОТЕКА БАНК

Акциядорлик тижорат Ипотека банки

*Мамлакатимиздаги барча
қаламқашларни, ижод аҳлини
касб байрами муносабати билан
муборакбод этади.*

*Хонадонингизга фойзу барока, ўзингизга
сиҳат-саломатлик, ижодий
навоқиронлик ва туганмас
зафарлар тилайди.*

■ Устозга таъзим

*Бир кунини ишдан сўнг устозим Одил Ҳотамов
мени бир матнни таҳрир қилиш учун 15-20
дақиқага олиб қолди. Топшириқ бажарилгач:
«Фидойилигинг учун раҳмат, қизим» деди у
киши меҳрибонлик билан.*

«Изингиздан юрсам дейман...»

*Устоз билан хайрлашиб чиқар эканман, хаёлимдан «Фи-
дойилик ўзи нима?» деган фикр ўтди. Очиғи, салкам 20 йил-
лик тажрибага эга бўлсам-да, бу сўзининг асл мазмунини у
қадар англаб етмаган эканман.*

*Уша кундан бошлаб таҳририятда ҳар бир ишни вақтида
бажаришга одатланган Одил Ҳотамовнинг фаолиятини ку-
зата бошладим. 30 йил ушбу нашрда хизмат қилган таж-
рибали журналист ўнлаб шогирдларни тарбиялади. Усто-
зимнинг ижоди билан танишар эканман, унда ўқувчини чу-
қур мулоҳазага ундовчи асарлар, публицистик мақолалар-
га гувоҳ бўлдим. Ҳар қандай ижодкорда ҳам бироз бўлса-
да, шухратга интилиш бўлади. Аммо негадир устозда буни
кўрмадим. Оддийлик, ўзини бировдан устун қўймаслик фа-
зилати туйғайли у кишининг касбдошлар ўртасида хурмати
баланд.*

*Президентимиз Фармони билан ўтган йили устозим Одил
Ҳотамов «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди.
Бундан жамоадoshларнинг хурсандчилиги орди. Устозни
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари бай-
рами билан муборакбод этаман. Ижодингиз бундан-да юк-
салаверсин, азиз устозим!*

Дилдора БОЙМУРОВА,
Навоий вилоят «Кармана овози» газетаси муҳбири

Касаба уюшма ташкilotлари бирлашмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

*Юртимиздаги барча
матбуот заҳматқашларини,
ижодкорларни касб
байрами билан
самимий табриклайди.
Баракали ижод, ютуқ ва
муваффақиятлар доимий
ҳамроҳингиз бўлсин!*

Касаба уюшма ташкilotлари бирлашмаси Хоразм вилоят кенгаши

**Мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари
ходимларини касб байрами билан қизғин қутлайди.**

**Бугун юртимизда сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган устувор
сиёсат натижасида матбуот чинакам халқ минбарига айланди.
Сиз, азиз ижодкорларнинг ана шу минбарда туриб айтаётган
сўзларингиз янада ёниқ ва таъсирчан бўлишини тилаймиз!
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Заҳматкаш касб эгаларини 27 июн —
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари кунин билан қизгин табриклайди.

Тараққиётимиз
манзараларини тараннум
этишда асло чарчаманг,
азиз қаламкашлар!



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари кунин муносабати билан
соҳа фидойиларини қизгин муборакбод этади.

Юрт тараққиёти, инсон ҳуқуқи ва
эркинликлари, адолат ва ҳақиқат қарор
топиши йўлида қўйиб-ёқиб
лиши бахти баргангизга ёр бўлсин!
Меҳнат ва иқсод завқи Ёшларини
ҳас қачон тарғ этмасин!



Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши

Республикамизнинг барча журналистларини, ношир ва
матбаачиларини, радио ва телевидение ходимларини
27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари кунин билан муборакбод этади.

Матбуотимиз фидойиларига узоқ умр,
сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларига
тинчлик ва фаровонлик,
ижодий баркамоллик тилаймиз.

Севикли ватанимизнинг равнақи, она халқимизнинг
ёрқин келажаги йўлидаги тинимсиз меҳнатингиз
доимо эзгуликка хизмат қилсин!

Сўраган экансиз

Савол: «Хизмат вазифанги кўпол ра-
вишда буздинг», деб иш берувчи мен би-
лан тузилган меҳнат шартномасини бекор
қилди. Касаба уюшма кўмитасининг ро-
зилигини олмади. Шу тўғрими?

С. ЖўРАЕВ,
Наманган шаҳри

Жавоб: Ҳа, тўғри. Корхона раҳбари билан
тузилган шартномани Меҳнат кодекси 100-
моддасининг иккинчи қисмида назарда тутил-

ган асослардан бирига кўра бекор қилинган
тақдирда касаба уюшмаси кўмитасининг ро-
зилигини олиш талаб этилмайди.

Савол: Салкам йигирма тўрт йилдан
бўён цемент заводиди кран ҳайдовчиси
бўлиб ишлайман. Иштиёзли пенсияга чи-
қишга ҳаққим борми?

А. ЁРМАТОВ,
Қувасой шаҳри

Жавоб: «Фуқароларнинг давлат пенсия

таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Респу-
бликаси Қонунининг 9-моддасига илова
қилинган имтиёзли пенсияга чиқувчилар
учинчи рўйхатининг 18-бўлими биринчи қис-
мига кўра цемент ишлаб чиқариш соҳаси-
да оғир ишда (кринкер омборхонасида)
банд бўлган кранчилар умумий белгиланган
ёшдан беш йил илгари пенсия олиш
ҳуқуқига эга бўладилар.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Исломо шoir, Пулкан шoir, Фозил шoir каби эл эҳтиромига сазовор бўлган бахшиларнинг издошлари воҳамизда кўпчиликини ташкил этади. Ёдгор бахши Исҳоқов, Қилич бахши Шуқуров, Ўзбекистон халқ бахшиси Зиёдулла Исмолов, эл севган ижодкорлар — Саъдулла Хушвақтов, Отаёр Наҳанов шулар жумласидан.

Маҳорат мактаби

«Пахтакор овози» туман газетаси қошида фаолият юритиб келган «Умид гулчалари» адабий тўғараги кўплаб қаламкашлар учун мактаб вазифасини ўтади. Бугунги кунда пойтахтда яшаб ижод қилаётган Уктам Мирзаёр, Зулфия Мўминова, Ойгул Мамараҳимова, Роҳила Сиддиқова, Жамила Эрденова каби ўнлаб таниқли журналистлар ана шу ижодий муҳитдан ўсиб чиққан.

пов, Самад Маманов, Нарзулла Омонов, Холикул Орзикулов, Ғари Ибодов, Исмоил Ибрагимов, Умар Аликулов сингари фидоий касб эгалари номини бугун фахр билан тилга олиш мумкин. Уттиз йилдан буён ушбу ижодий жамоага бошчилик қилаётганимдан фахрланаман. Шу ерда маҳорати чархланган шоғирларимизнинг нуфузли нашрларида фаолият кўрсатаётгани бизни хурсанд этади.

Тошпўлат **ТОШМУРОДОВ**, Нарпай туман «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши

Мамлакатимизнинг барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан қизғин қутлайди. Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар ҳамиша ёр бўлсин! Хуш кайфият ҳамда мустақкам ирода ҳеч қачон сизларни тарқ этмасин!

Хамкасбларимиз

Анорбой ака



Матбуот, хусусан, газеталар фаолиятида тахририят ходимлари билан тенга-тенг меҳнат қиладиган жамоатчи муҳбирлар салмоқли ўрин тутади. Анорбой Норқулов нашримизнинг ана шундай яқин ҳамкорларидан ҳисобланади.

У 1963 йили Сирдарё вилоятининг Мирзаобод тумани Беруний маҳалласида туғилган. Хозир ҳам оиласи билан шу маҳаллада яшайди. 4 нафар фарзанди, 2 нафар невараси бор. 1984 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозирги университет)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. 1985 йилдан буён ОАВда хизмат қилиб келади. «Сирдарё ҳақиқати», «Гулистон янгиликлари», «Янгиер тонги» газеталарида бўлим муҳаррири бўлиб ишлаган. 1999 йилдан буён туманнинг «Мирзаобод» газетасини бошқармоқда.

ўтказилган «Сирдарё зарқалами» танлови ғолиби. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси Анорбой Норқуловнинг асосий мавзусига айланган. Унинг шу мавзудаги мақолалари вилоят, республика нашрларида кўплаб эълон қилинган. Хусусан, газетамиз орқали 2008-2012 йилларда чоп этилган «Мундирли зўравонлар», «Аёл макри», «Оғуфурлар», «Уч дугона ўғиллар», «Банкдаги фирромликлар», «Сохта пенсионерлар», «Босқинчилар тўдасининг тугатилиши», «Фирибгарлар» сингари мақолалари бунга мисолдир. «Сирдарё ҳақиқати» газетасида шу йилнинг ўзида инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзусида 20 та мақоласи эълон қилинди. «Ҳокимликдаги таъмагирлар», «Ҳотамтойлар ёки университетдаги талон-тарожликлар», «Собиқ ҳоким нега судланди?», «Машина-трактор паркидаги олғирликлар», «Ҳўқуқшнос қаллоб экан», «Таъмагир адвокат», «Миси чиққан қаллоблик», «Чегарабузарлар» каби чиқишлари вилоятда катта шов-шув бўлди. Анорбой аканинг бевоқоси

ёрдами билан кўплаб фуқароларнинг поймол бўлган ҳуқуқлари тикланди. Жумладан, Мирзаобод тумани «Наврўз» маҳалласида яшовчи Матлуба Омоновага 16 ёшгача бўлган нафақа пуллари ундириб берилди. Нафақа пуллари талон-тарож қилган «Халқ банки» туман бўлимининг бир гуруҳ ходимлари қилмишлари учун қонун олдида жавоб берди. Тумандаги 15-мактаб ўқитувчиси Адолат Дўстмуродова эса вази-фасига тикланиб, иш ҳақи ундириб берилди.

Анорбой Норқулов инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзусидаги турқум мақолалари учун «Олтин қалам» VII Халқаро танловида Словениядаги «Минтақавий мулоқот» Халқаро ташкилотининг рағбатлантирувчи мукофоти билан тақдирланди. Бошқа хамкасбларимиз қаторида Анорбой Норқуловни ҳам касб байрами билан қутлаб, кейинги ишларида улкан зафарлар тилаймиз.

Абдулатиф **АБДУЛЛАЕВ**, «Ishonch» муҳбири

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Барча ижодкорларни касб байрами — Матбуот ва оммавий ахборот Воситалари ходимлари куни билан **САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.**

Юртимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда зафарлар ҳамиша ёр бўлишини, оилангизни қут-барақа, хотиржамлик асло тарқ этмаслигини тилаб қолади.


Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

Барча журналистларни
27 июн — Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари ходимлари
куни билан қутлайди.

Машаққатли меҳнатда толманг.

Ижод ва зафарлар завқини суринг.

Омад доимий йўлдошингиз
бўлсин, азиз ижодкорлар!



Бугун унинг кўзларида бир қақинни кўрдим. У шунчалик сирли ва маъноли эдики, унга термулиб вужудим алангага айланганини сезмай қолдим. Бу манзили узоқ мустақил йўлга отланганидан чақнаётган секин юлдузими ёки бир неча йил кучоғида камол топгани азиз гўшангдан, ота-онангдек меҳрибон устозларинг бағридан учирма бўлаётганидан пайдо бўлган айрилиқнинг маржон мисол ятираётган ёшимми? Ёки тўрт йил бир партада ўтириб, таҳсил олганинг, ҳамфикр дўст ва сирдошинга айланган, тушкун онларингга ҳамдангнинг, қанотингдек хис қилганинг курсдошинг бошқа кўрмаслигингдан, курсанг-да, аввалгидек яқин бўлолмаслигингдан туғилган хавотирми? Билмадим... Лекин юрагинг иссиз, алланечук туйғудан тўлғонаётгани рост.

Орзуларинг янглиғ йўлинг оқ бўлсин!

Курсдошим, дўстим! Тўрт йил олдин юртимизнинг етакчи таълим даргоҳларидан бўлиш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга киргандик... Ушундан барчамизнинг орзуларимиз осмон эди. Бироқ фақат орзуларгина бор эди бизда. Бугун кўнглимиз тўқ. Илм эгаллаш, тинимсиз изланишлардан ўша орзуларнинг пойдеворини қурдик. Энди ҳалол меҳнатдан гишт тегириб бахт қасрини бунёд этиш фурсати.

Курсдошим, ўтган йиллар қанчадан-қанча чин маънодаги таассуротларга бой, шуқуҳли онларни тўхфа этмади, дейсан. Президент стипендианти, «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури», «Камолот» стипендианти совриндори ва «Сиз Президент асарларини биласизми?» кўрик-танлови ғолиби, турли тadbирларнинг фаол иштирокчиси бўлганинг ҳақиқий қувончли лаҳзалар эмасмиди?

Азизам, сенга йиллар давомида айтолмаган, юрагини ўртаган сўзларим, қалбимнинг қат-қатида чўғ бўлиб ётган, самимий тилақларим бисёр. Бугун битирув кечаси баҳонасида уларнинг баъзисини сенга илинаман: тақдиримиз айро тушган бўлса-да, сени бутун умр севаман, қаерда бўлсанг ҳам, қаёда юрсанг ҳам соғ бўл. Тилинг дилингдан ҳеч қачон айро тушмасин. Виждонинг пок, қаламинг ҳақиқат тиги ва адолат шамчироғи бўлсин. Опоқ орзулар каби келажак йўлинг ҳам оқ бўлсин!

Изоҳ: яқинда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг бакалаврият ва магистратура битирувчиларига бағишлаб «Оқ йўл сизга, битирувчилар» тadbiri ўтказилди. Унда университетнинг профессор-ўқитувчилари, факультет декани, фахрий меҳмонлар, устоз ва талабалар иштирок этди.

Дилшод **КАРИМОВ**

Таълим, фан ва маданият ходимлари касбабона уюшмаси Андижон вилоят кенгаши

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан муқаддас этди.

Уларга юртимиз раванги йўлидаги эзгу ишларида ривож, оилавий хотиржамлик, мустақам соғлиқ тилайди.



«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

қонуний манфаатлар ҳимоясида

Давлат назорат органларида жорий қилинган «Ишонч телефони» фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита ҳисобланади.

Аҳолининг «Ишонч телефони»га қилган мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида кўриб чиқилади. Қонуннинг 6-моддасига биноан мурожаатларда фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд сохта маълумотлар кўрсатилган бўлса, мурожаат аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Республикамиз Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 4-бандига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларида ўрнатилган «Ишонч телефони» фаолиятини янада ривожлантириш вазибалари белгиланган бўлган.

Бугунги кунда «Ишонч телефонлари» орқали амалга оширилаётган фаолият янада такомиллаштирилиб, унга келиб тушаётган мурожаатларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш орқали фуқароларимизни нима-лар кўпроқ безовта қилаётгани, улар солиқ идоралари билан қайси масалалар бўйича фикр алмашиш ниятида эканликлари мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда.

«Ишонч телефони»га мурожаатларнинг асосий қисми савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида савдо терминалларидан фойдаланиш тартибини бузганлик ёки назорат касса машинасида чек бермаслик ҳолатлари билан боғлиқ. Мисол учун, яқинда бир юрtdошимиз «Ишонч телефони» орқали Чилонзор тумани «Қатортол савдо мажмуаси»даги бир неча дўконларда терминаллар «ишламаётгани» боис, тўловлар пластик картчалар орқали қабул қилинмаётганини маълум қилди. Мурожаат бўйича мазкур дўконларда ўтказилган қисқа муддатли текшириш натижасида қайд

этилган қондабузарлик ўз тасдиғини топди ва қондабузарларга нисбатан солиқ қонунчилигида белгиланган тегишли чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, мурожаатларда тегишли ҳужжатлар-сиз махсусот сотиш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шикоятлар ҳам ўз аксини топмоқда. Ушбу ҳолатларнинг иж-роси бўйича жорий йилда сохта тадбир-корлардан ашвейий далил сифатида 16,1 млн. сўмлик махсусот олиб кўйилиб, но-қонуний фаолиятга чек қўйилди ва уно юритган фуқаро-ларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш» тамойилининг моҳияти фуқаролар ижтимоий фа-оллигининг ошишида намойён бўлиши шубҳасиз. Шу маъ-нода фуқаролар «Ишонч телефони»га мурожаат этиш ор-қали нафақат ўз манфаатини ҳимоя қилмоқда, балки мамлакат аҳамиятига эга бўлган ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий масалаларни ҳал этишда инсоний бурчлари-ни бажараётирлар.

Азиз муштарийлар учун Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг «Ишонч телефони»ни яна бор бор эслатиб ўтмоқчимиз: 244-54-86

М. ИЛҲОМЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ДСБ навбатчи қисм бошлиғи.
Б.БОЗОРОВ,
Ҳамза тумани ДСИ навбатчи қисм бошлиғи

Солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш, соҳага оид янгиликларни отқазиб, уларнинг вақтини тежаш, муаммоларни тезкор равишда ечиш ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари муносабатининг шаффофлигини таъминлашда Давлат солиқ қўмитаси томони-дан интерактив хизмат турлари жорий қилинган. Хусусан, www.soliq.uz сайтида юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китобларини қузатиш имконияти яратилган. Ушбу интерактив хизмат турларидан электрон рақамли имзоси мавжуд бўлган юридик ва жисмоний шахслар «Шахсий кабинет»дан туриб фойдаланиши мумкин.

ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТ

Юридик шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблар интерактив хизмати ёрдамида белгилаб берилган даврда шакллантирилган солишти-риш далолатномалари, шу-нингдек, мазкур юридик шахс учун исталган ҳисоб-китоб даври-га солиқ ва тўловлар бўйича шахсий ҳисобба-рақ картчаларидан нусха кўринишида бюджет ва бюд-жетдан ташқари жағғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумот тақдим этилиши имконияти мавжуд.

Жисмоний шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблар интерактив хизмати ёрдамида эса мол-мулк солиғи, ер солиғи, хусусий тадбиркорлар-нинг солиқлари бўйича берил-ган санага шакллантирилган шахсий картчаларнинг нус-халари кўринишида ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида шахсий маълумот тақдим эти-лади. Бундан ташқари, солиқ-лар ва тўловлар бўйича со-

лиштириш далолатномаларини автоматик тарзда шаклланти-риш амалга оширилади. Шаҳар ва туман ҳокимиат-лари ҳузуридаги рўйхатдан ўтказувчи органлар, шунинг-дек, минтақавий адлия орган-лари учун интерактив давлат хизмати Ўзбекистон Республика-си Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйха-тида олиш ва ҳисобга қўйиш-нинг хабардор қилиш тартиби-ни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига асосан ишлаб чиқил-ган. Солиқ тўловчинини рўйха-тидан ўтказиб юзасидан ариза-ларни қабул қилиш ва солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш ҳамда рўйхатдан ўтказиш маълумот-ларини ўзгартариш бўйича ин-терактив давлат хизмати ҳоки-миятлар ҳузуридаги рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томо-нидан ишлатиб келинмоқда. Ушбу хизмат тури кириши чек-ланган <https://soliq.uz/> сайтида жойлашган. Мазкур йўналишда

солиқ тўловчиларини рўйхатдан ўтказиш ва СТИР бериш учун қўшимча алоқа каналлари яра-тилган. Бундан ташқари, молиявий ва солиқ ҳисоботларини элек-трон кўринишида қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш тизими Ўзбекистон Республикаси Дав-лат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz амалдаги ахборот порталида ташкил этилган бўлиб, унда молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон кўри-нишда шакллантириш дасту-рий воситалари жойлаштирил-ган. Тизим WEB технологияси-дан фойдаланган ҳолда жорий этилган. Электрон солиқ ҳисоб-отларини шакллантириш солиқ тўловчилар хоҳишига кўра hisobot.soliq.uz ёки hisobot.uz сайтида «Солиқ тўловчининг кабинети» орқали бевосита шакллантирилади.

Ушбу интерактив тизим ор-қали солиқ тўловчи жисмоний шахснинг «Шахсий кабинети»-да мол-мулк солиғи, ер со-лиғи, хусусий тадбиркорлар-

нинг солиқлари бўйича бе-рилган санага шакллантирил-ган шахсий картчаларнинг нусхалари кўринишида ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида шахсий маълумот тақдим этилади. Электрон рақамли имзого эга бўлган тақдир-да, солиқлар ва тўловлар бўйича солиштириш далолат-номаларини автоматик тар-зда шакллантириш амалга оширилади.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар Яққасарой туманида рўйхатдан ўтиб, солиқ мажбу-рияга эга бўлган 3565 та корхонанинг 3292 тақсиди амалдаги электрон рақамли имзолар мавжуд. Бу солиқ мажбуриятига эга корхона-ларнинг 92 фоизини ташкил қилади. Амалдаги электрон рақамли имзоларга эга кор-хоналарнинг 3189 таси, яъни 89 фоизи ҳисоботларини элек-трон кўринишида тақдим қил-ган. Таъкидлаш жоизки, инте-рактив хизматлардан фойда-ланувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони кундан-кун-га ортиб бормоқда. Бу кўрсаткичлар интерактив хи-зматлар тизими солиқ тўлов-чилар учун энг қулай восита эканлигининг яққол исботи-дир.

Абдуқодир ҒУЛОМОВ,
Яққасарой тумани ДСИ «Камерал назорат» бўлими бошлиғи

Асосий мезон

мижозлар манфаати

Мамлакатимиздаги тижорат банклари барча соҳаларда олиб бори-лаётган кенг қўламли ислоҳотларда фаол иштирок этиб келмоқда. Ушбу жараёнда «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкнинг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта. Хусусан, «Мустақам оила йили» Давлат дастурида оилалар, шу жумладан, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик, миллий хунармандчилик ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларга кредитлар билан қўмаклашиш борасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкнинг Сирдарё вилояти филиали томонидан олиб борилаётган кенг қамров-ли ишлар бунинг яққол далилидир.

Элга хизмат — олий ҳиммат

Таъкидлаш жоизки, филиал томонидан хўжалик субъектлари ва яққа тартибдаги тадбиркорларга ажратилаётган микрокре-дитлар оилавий бизнесни янада ривожлан-тириб, саноат марказларинан анча олисда жойлашган туманларда ҳам аҳоли турмуш даражасини ошишни таъминламоқда.

Президентимизнинг «Ёш оилаларни мод-дий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фар-мони ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йилда 458 млн. сўм миқдориде кредит аж-ратилиши режалаштирилган эди. Шуниси қувонарлики, юқорида кўрсатиб ўтилган пул маблағлари айна пайтга қадар ипотека, ис-теъмол кредитлари ва микрокредитлар си-фатида ёш оилаларга тўлиқ ажратиб бе-рилди.

Банк қишлоқ хўжалигини ривожлантириш-га ҳам катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, жорий йилнинг биринчи чорағида 7 та кам таъминланган оиллага 21 млн. сўм миқдориде кредитлар ажратилди.

Шунингдек, 2012 йил давомида олий таъ-лим муассасаларида тўлов-шартнома асо-сида таҳсил олаётган 20 га яқин талабага 28,8 млн. сўмлик таълим кредити берилди.

Эътиборлиси, вилоят корхоналарини кре-дитлаш бош йўналиш бўлиб келган ва шун-дай бўлиб қолмоқда. Ажратилаётган кре-дитлар иқтисодийнинг устувор йўналишлар-ини тараққий эттириш, корхоналарни мо-дернизациялаш ва янги юқори самарали ишлаб чиқаришни жорий этиш, кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қув-ватлаш, маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш асосида импорт ўрнини бо-сувчи истеъмол моллари ишлаб чиқаради-ган корхоналарни барпо этиш ва ривожлан-тиришга жалб этилмоқда. Шу мақсадда 2012 йилнинг биринчи чорағида барча ман-балар маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига 2 млрд. 235 млн. сўм миқ-дориде кредитлар берилди.

Соғлом рақобат

изланишни талаб қилади

Бугун мамлакатимиз банклари янги ми-жозларни жалб қилиш мақсадида замона-вий банк хизматларини мунтазам жорий этаётганига ва бу билан чакана банк хи-зматлари бозорини фаол ривожлантираёт-ганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Зеро, бугунги соғлом рақобат муҳити банклар томонидан мижозларга барча қулайликларга эга хи-змат турларини мунтазам равишда татбиқ этиб боришни ва бу борада доимий изла-нишни талаб қилади. Ҳозирда филиал қоши-да 2 та минибанк, 3 та пул ўтказмалари

шохобчаси, махсус касса, коммунал тўлов-ларни қабул қилиш кассаси ва жағғарма касса фаолият кўрсатмоқда.

Минибанкларни ташкил этиш, аввало, са-ноат, қишлоқ хўжалиғи, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ҳамда таш-килотларнинг иқтисодий фаолиятини жон-лантиришга, шунингдек, хусусий тадбиркор-ликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг си-фатли банк хизматларига бўлган талабини қондиришга қаратилган. Бундан ташқари, тўғри йўлга қўйилган миникредит хизмат-лари турли сегментлардаги рақобат маке-ини мустақамлаш ҳамда ўз мижозларининг тақлиф ва истақларини тезда ҳисобга ол-ган ҳолда иш тутиш имконини беради.

Банк омонатлари аҳолининг бўш пул маб-лағларини ишга солишнинг энг ишончли усулидир. Аҳоли омонатларини янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида банк муддати бир ойдан бир ярим йилгача бўлган янги омо-нат турларини чиқарди. Айна пайтда «Оила», «Қалдирғоч», «Нафис», «Коммунал тўлов», «Элга манзур», «Мобил» сингари омонат турлари аҳоли хизматида.

Бугунги кунда банкда 3 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари фаолият юрита-япти. «Вестерн Юнион», «Контакт», «Бист-рая почта», «Близко», «Мигом», «Мониграм», «Юнистрим», «Золотая корона» тизимлари орқали жорий йилда 11 минг нафардан ортқ мижозга хизмат кўрсатилди. Вазир-лар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябр-даги «Пластик картчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожланти-риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича қарийб 10 мингга яқин пластик картчока тарқатилган.

Шунингдек, 2012 йил 1 апрел ҳолатига кўра, филиал томонидан 272 та савдо, хи-змат кўрсатиш ва коммунал терминаллари ўрнатилган.

Давр билан ҳамнафас

Филиалда ягона умумреспублика процес-синг маркази билан ҳамкорликда «SmartVista» технологиясига асосланган EMV стандартига янги тўлов тизими жорий этил-моқда. Ушбу дастур доирасида микропро-цессорли пластик картчалар муомаллага чиқарилди ва банк тўлов терминаллари зар-рур дастурлар билан таъминланди. UZKART-EMV тўлов тизимининг афзаллиги шундаки, эндиликда картчокага маблағларни юкляб олишга зарурат қолмайди ва мижоз вақти тежалади.

Банк мижозларига янада қулай шароит яратиш, вақтни тежаш ниятида «Интернет-банкнинг» дастури жорий этилган. Ушбу хи-змат турининг қулайлиги мижоз ўз маблағ-ларини банкка келмасдан туриб ўтказиши, исталган вақтда ҳисоб рақамиде мавжуд пулни кўриши мумкин.

Мухтасар айтганда, «Ипотека-банк» акци-ядорлик тижорат банки Сирдарё вилояти фи-лиали замон билан ҳамнафас фаолият олиб бориб, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўз мухбиримиз

УЛУҒБЕКНИНГ ЭЗГУ МАҚСАДИ



Қарши тумани Нуқрабод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи ёш хунарманд Улуғбек Иброҳимов асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизга садоқат ҳисси билан камол топаётган истеъдод эгаларидан.

Улуғбек миллий чолғу асбобларимизнинг ўзига хос жиҳатларини, нозик қирраларини кунт билан ўрганиб, мусиқа илмини чуқур эгаллашга ҳаракат қилаётди. У ясаган дутор, рубоб, танбур, думбира, тор каби чолғу асбобларига буюртмалар тобора кўпаймоқда. Халқ амалий санъати йўналишидаги қатор

қурик-танловларда муносиб иштирок этиб келаётган Улуғбек маҳоратини янада ошириш мақсадида ўқиб изланмоқда. Суратда: (чапда) Улуғбек Иброҳимов устози Эшонкул Жўраев билан. Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Футбол

Авал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон (U-22) терма жамоаси Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан 2013 йилнинг январ ойида биринчи марта ташкил этиладиган Осиё чемпионати саралаш босқичида қатнашди. Ёш футболчиларимиз «D» гуруҳида Бангладеш, Иордания, Непал ва Яман футболчилари билан бўлган учрашувларда ўзига керакли очколарни қўлга киритди.



Ёшларимиз — финал босқичида!

Ёшларимиз бангладешлик тенгқурларига қарши ўтказилган беллашувда 2:1 ҳисобида зафар қўчган бўлса, Непал термаси билан бўлган учрашувда 4:2 ҳисобида галабага эришди. Учинчи турда яманиклар билан рақобатлаган ҳамюртларимиз 1:1 ҳисобида дурангга эришди. Сўнгги баҳсда футболчиларимиз ку-

тилмаганда Иордания ёшлар терма жамоасига 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Шунга қарамай, етти очко билан мусобақа жадвалида иккинчи ўринни эгаллаган вакилларимиз Осиё чемпионатининг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланма-ни қўлга киритди.

Муайтай



Кучлилар сараланди

Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси томонидан Фарғонада мамлакат чемпионати ўтказилди. Унда тайбоксилар ўн тўрт вазн тоифасида голиблик учун рингга кўтарилди.

Ушбу спорт тури бўйича жаҳон ва китъа чемпионатларининг голиб ва совриндорлари — самарқандлик Фирдавс Холмуродов, Абдулла Худойбердиев, буюхорилик Жобир Тошпўлатов, пойтахтлик Жасур Мирзамухаммедов, Жавлон Назаров, Фулом Халилов ўз вазн тоифасида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, Темура Хамроев, Илхом Рустамов, Саид Орпиров, Жасур Ғофуров (Тошкент шаҳри), Санжар Ҳасанов (Тошкент вилояти), фарғоналик Ислам Маърупов, наманганлик Қобил Тўлабоев ва Қорақалпоғистон Республикасидан Жаҳонгир Йўлдошев олтин медални қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида пойтахтлик муайтайчилар биринчи, самарқандликлар иккинчи ва мезбон спортчилар учинчи ўринни эгаллади.

Шахмат

Халқаро гроссмейстеримиз Алексей Барсов шахмат бўйича ўтказилган II Марказий Осиё кубоги мусобақасида бош соврин соҳибига айланди.

Ақлни пешлаб

Иссиққўлда ўтган мусобақада мезбонлар билан бир қаторда Ўзбекистон, Қозғистон ва Тожикистондан жами қирқ нафарга яқин шахматчи куч синашди.

Турнирни мағлубиятсиз яқуллаган халқаро гроссмейстеримиз тўққиз имкониятдан 7 очко жамғариб, мусобақа голиби бўлди. Умидли шахматчимиз — халқаро тоифадаги спорт устаси Жўрабек Ҳамроқулов 6,5 очко билан учинчи ўриндан жой олди.

Хотин-қизлар ўртасида Нодира Нодиржонова олтин медални қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин Ирина Геворкянга, учинчи ўрин Сарвиноз Курбонбоевага насиб этди. Сарвиноз 20 ёшгача бўлган шахматчилар орасида энг кўп очко жамғаргани учун махсус олтин медал билан тақдирланди. Фахрийлар баҳсида ҳамюртимиз Владимир Егин голиб чиқди.

Халқаро турнирда энг яхши натижага эришган юртимиз вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.



Енгил атлетика

Лондонга отланганлар кўпаймоқда

Алмати шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақада терма жамоамиз аъзоси Артём Дятлов олтин медал ва жорий йилнинг 27 июл — 12 август кунлари Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлнамасини қўлга киритди.

400 метрга тўсиқлар оша югуришда иштирок этган спортчимиз масофани 49,78 сонияда босиб ўтиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Таъкидлаш ўринлики, ҳозиргача спортчиларимиз ҳисобида 56 олимпия йўлнамаси бор.

Адхам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири



Дил сўзи

Шифокорлардан мамнунман

Кўп йиллардан буён ички касалликлар безовта қилиб келар эди. Дардимга даво излаб турли шифохоналарга мурожаат қилдим. Кўп бора текшириб кўришса-да, бироқ аниқ ташхис қўйишнинг иложи бўлмади. Ниҳоят, бунинг ҳам чораси топилди. Денов туман марказий шифохонасининг кардиология бўлимида муложа олганимдан сўнг бу ердаги шифокорлар менга Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тиббиёт муассасасига даволаниш учун хулоса ва йўлланма беришди. Хуллас, тиббиёт ходимларининг саъй-

ҳаракатлари билан ҳаётим сақлаб қолинди. Бош шифокор Ш. Хошимов, бўлим бошлиғи М. Муҳаммадҷонов, даволловчи врач В. Пақларнинг астойдил кўрсатган бегараз ёрдамлари билан соғайиб кетдим. Илоҳим, шундай фидойи, сөрҳиммат инсонларнинг қўллари асло дард кўрмасин!

Зулфия БЕКМУРОДОВА, II гуруҳ ногирони

Денов тумани, Уртақишлоқ маҳалласи

Касаба уюшмаси ва туризм

Мамлакатимизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида касаба уюшма фаолларидан 26 та ёш оила вакилларининг Бухоро шаҳрига саёҳати ташкил қилинди.

Юрган — дарё

Саёҳат давомида улғларимиз қадамжолари зиёрат қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуасида қад кўтарган вилоят мусикали драма театри биносини, монумент ва амфи-театрни томоша қилиш асносида бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишилди. Сайёҳлар Лаби Ҳовуз мажмуаси, Нодир Девонбеги ва Кўкалдош мадрасаларида ҳам бўлишди.

— Бухоронинг эртаклар шаҳри эканига яна амин бўлдим, — дейди Ҳазорасп туманидаги 46-мактаб ўқитувчиси Усмонжон Искандаров. — Ушбу сафардан улкан руҳий қувват олдим. Янги ўқув йилида таассуротларимни ўқувчиларим билан ўртоқлашишни дилимга тугиб қўйдим. Уларга юртимизнинг нақадар гўзаллиги, истиклол йилларида қадимий шаҳарларимиз навқиронлик касб этгани ҳақида гапириб бераман.

— Касаба уюшмалари доим ёшларнинг кўмакчиси бўлиб келган, — дея суҳбатга қўшилида Хива туманидаги 32-мактаб ўқитувчиси Умарбек Ҳайитматов. — Ушбу хайрли тадбир учун уларга миннатдорлик билдираман. Дарҳақиқат, саёҳатчилар Хоразмга чуқур таассуротлар билан қайтишди. Юрган дарё, дейди халқимиз. Ушбу сафар ёшларни тўлқинлантирган, янги изланиш ва интилишларга бошлаганига ишонамиз.

Фармонбек АЛЛАБЕРГАНОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши бош мутахассиси, Ёшлар кенгаши расиси

Эхтиром

Музёён

Ҳамдам бўлдинг менга сен Ҳар қандайин кунларда. Юлдуз бўлдинг чароғон Тунд ва олис тунларда.

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу сатрлари гўё матбуот, газета ва журналларга қарата айтилгандай бўлиб туюлаверади. Менда илк бор мухбирликка ҳавас мактабнинг 7-синфида ўқиётганимда пайдо бўлган. Шоира Гулҳажа Жўраева хатларининг бирида: «Сизга келажакка парвоз олдидан ойдин йўл тилайман», деб ёзган эди. Ушбу тилак ижобат бўлиб политехника институтига ўқишга кирдим. Талабалик пайтимда «Политехника» газетасига мақолалар ёзардим. Ушанда танқидий чиқишларим учун тазйиқларга дуч келганман. Шундан буён матбуот, унинг қалами ўткир журналистларини ўзимга дўст деб билдим. Ҳаётимни изга солишга амалий ёрдам берган, оғир кунимда қўллаб-қувватлаган қалам аҳлининг кўмагини ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Айниқса, ўша пайтдаги, «Шарқ юлдузи» журнали муҳаррири, сеvimли ёзувчимиз ўткир Хошимов, режиссёр Мираббос Мирзааҳмедов, «Оталар сўзи — ақлинг кўзи» кўрсатуви бошловчиси Бадал ака Нурмухаммедов (марҳум), таниқли журналист Аҳрор Аҳмедов каби инсонларнинг мадади менга маънавий-руҳий қувват берган. Шу билан бирга улар журналистиканинг сирасоридан мени хабардор этишди.

Ҳозир ҳам республика нашрлари ҳамда «Жарқўрғон» газетасида мақолаларим билан катнашиб тураман. Бу борада менга йўл-йўриқ кўрсатиб келаётган журналистлар Сафар Омон («Сурхон тонги»), Шароф ака Муҳаммадиев, Алишер ака Поянов («Жарқўрғон») лардан жуда миннатдорман.

Бу йил сеvimли нашрим, туманимиз ҳаёти кўзгуси — «Жарқўрғон» газетасининг 80 йиллиги нишонланади. Ёш ижодкорларга тажриба ва ҳаёт мактаби вазифасини ўтаб келаётган ижодий жамоа аъзолари шаънига ҳар қанча илиқ сўз айтса арзийди.

Оддий қаламкаш сифатида юртимиздаги барча журналистларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан самимий муборакбод этаман. Ниғоятим — ушбу байрам нафақат соҳа ходимлари, балки халқимиз учун сўз эркинлиги рамзи сифатида нишонланадиган кутлуғ кун бўлсин!

Иқбол АБДИЕВА, Жарқўрғон тумани

Эътироф

«Шарқ юлдузи» — миллат кўзгуси

Матбуотимиз тарихининг илк саҳифалари ҳадидчили ҳаракати намояндаларининг эзгу ниятда чоп этилган газета ва журналлари билан очилади. Битирув-малакавий ишимда мазкур мавзунини тадқиқ этишга ҳаракат қилдим. Саъй-ҳаракатим самараси ўларок, ўша давр ҳолати ва воқеаларини тўла тасаввур этиш имкониятига эга бўлдим.

Бир ҳолат менда катта қизиқиш уйғотди. Филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расуловнинг шахсий кутубхонасида «Шарқ юлдузи» журнаlining 1961 йилдан буён чиққан барча сонлари сақланган экан. Ушбу журнал ҳақиқатан ҳам ўтган даврда нафақат адабиёт аҳли, балки халқимизнинг сеvimли нашрига айланди. Унинг 80 йиллик тарихий йўлига назар ташласак, миллий адабиётимизнинг чинакам солномаси кўз олдимизда намён бўлади. Журнал кўллаб ижодкорларни кашф этган. Адабиётимиз ҳазинасидан жой эгаллаган асарларнинг деярли барчаси унинг саҳифаларида чоп этилган. Энг муҳими, журнал кўзга кўринган ижодкор ва ёш қаламкашларни атрофига жамлай олган. Унинг илк сони «Қурулиш» номи билан 1931 йил май ойида чоп этилган. Кейин-

чалик «Ўзбекистон шўро адабиёти», «Совет адабиёти», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» номларида чиқди. 30-йилларда яратилган «Кеча ва кундуз», «Обид кетмон», «Сароб», «Темирчи жўра», «Рустам» каби асарлар шу журналда дунё юзини кўрди. Бундан ташқари, Шайхзода, Суфизода, Ҳамид Олимжон, Ғафур Фулом, Уйғун, З. Саид, Ҳ. Шамс, Ш. Сулаймон, Ғайратийнинг шеър ва насрий асарлари чоп этилди. Уруш даврида Ойбекнинг «Кутлуғ қон» романи, Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмаси, Мирқарим Осимнинг «Алишер ва Ҳусайн Бойқаро», «Астрообод» номли тарихий ҳикоялари, Мақсуд Шайхзоданинг «Тупроқ ва Ҳақ», Миртемирнинг «Дилқушо» достонлари, Султон Жўранинг «Жаннат» шеъри эълон қилинди. Ойбек бош муҳаррирлик қилган 1946-

1948 йилларда нашрга «Шарқ юлдузи» номи берилди. Журнал халқимизнинг оғир кунда дарддоши бўлди. Унда ўз даврининг энг сара асарлари қатори юртимизда юз берган ўзгаришлар аксини топди.

Истиқлол йилларида журнал шаклан ва мазмунан бойиди. Тарихий ҳақиқатни халққа холислик билан етказишда ташаббус кўрсатди. Айниқса, буюк бобомиз Амир Темура ҳақидаги қимматли маълумотларни ўз саҳифаларида холис ёритди. Маънавиятимизда муҳим ўрин эгаллаган Куръони Карим таржимасининг чоп этилиши эса маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Журналга нисбатан «отахон нашр» иборасининг ишлатилишида рамзий маъно бор. Унинг тарқибига суяниб «Ешлик» (1982), «Жаҳон адабиёти» (1997) журналлари ташкил этилди. Хулоса ўрнида айтсак, журнал ҳар бир ижодкорни ўзига ром этиб, адабиёт майдонига етаклаб кирган, биз, ёшларнинг руҳимизни сўз қудрати ила қувватлантирган нашр сифатида ардоқлироқ.

Озода САРАФРОЗ, ЎЗМУ ўзбек филологияси факултети битирувчиси

Раҳматжон Қирғизов 20 йилдан буён Марғилон шаҳар почта алоқа тармоғида хабарчи вазифасида меҳнат қилиб келади.

Хабарчи

У ўзига бириктирилган «Маориф», «Чорчино», «Машад» маҳаллаларида истиқомат қилаётган 450 нафар пенсионерга нафақа пулларини тарқатиб, 20 номдаги даврий нашрларни муштарийларга етказиб бермоқда.

— Маҳалламизнинг катта-ю кичиги Раҳматжондан хурсанд. У ширинсўзлиги, касбига фидойилиги билан эл орасида хурмат-эътибор топган, — дейди «Маориф» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуджон Толипов.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси



Advertisement for O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, listing contact information, services, and subscription rates.